

Мавзу:

Идоравий ёнғин назорати,  
тузилиши, мақсади ва  
вазифаси

# Режа:

1. Идоравий ёнғин назоратини ташкил қилишнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари.
2. Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружиналари ва уларни ташкил қилишнинг асоси.
3. Корхона ўт ўчириш-техник комиссиялари ва уларни ташкил қилиш асослари, унинг мақсади ва вазифаси.
4. Ёнғин-техник текширувларнинг турлари, мақсадлари ва ўтказиш вақтлари.

- Давлат миқёсида давлат ёнғин назорати Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ёнғин назорати тўғрисида”ги Низомига асосан Ички ишлар вазирлигининг қўйидаги бўлинмалари томонидан амалга оширилади:
- **Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати томонидан** — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар томонидан ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилиниши устидан.

- ҚП Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин назорати бўйича бош давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари — тегишли равишда ёнғин хавфсизлиги бошқармалари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан;
- транспортдаги ёнғин назорати бўйича бош давлат инспектори ва унинг ўринбосарлари — тегишли равишда транспортдаги ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи ва унинг ўринбосарлари томонидан;
- ҚП Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ёнғин назорати бўйича бош давлат инспекторининг катта ёрдамчилари — ёнғин хавфсизлиги бошқармалари ходимлари томонидан;

- туманлар (шаҳарлар), ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ёнғин назорати бўйича **катта давлат инспекторлари ва уларнинг ўринбосарлари** — тегишли равишда туманлар (шаҳарлар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг ва ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ёнғин хавфсизлиги бўлимлари (бўлинмалари) бошлиқлари (ёнғин хавфсизлиги гуруҳларининг катта инспекторлари), туманлар (шаҳарлар) Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отрядлари командирлари, ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлардаги ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отрядлари командирлари ва ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари томонидан.

# **“Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружидалари тўғрисида”ги НИЗОМ**

**“Мулкчилик шаклларида қатъи назар,  
вазирликлар, идоралар, корпорациялар,  
концернлар, уюшмаларнинг саноат  
корхоналари ва бошқа объектларидаги  
кўнгилли ўт ўчирувчилар дружиналари  
тўғрисида” НИЗОМ**

**Вазирлар Маҳкамасининг  
1995 йил 29 июндаги 243-сон қарори  
билан тасдиқланган (1-илова)**

## II. Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинасининг вазифалари

10. Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинасига қуйидагилар юкланади:

- а) объектда ёнғинга қарши тартиб-қоидаларнинг қандай бажарилаётганини ва унга қандай риоя этилаётганини назорат қилишни амалга ошириш;
- б) ишчилар ва хизматчилар ўртасида объектда ёнғинга қарши тартиб-қоидаларга риоя қилиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бориш;
- в) ўт ўчириш техникасининг, ўт ўчириш дастлабки воситаларининг соз ва жанговар ҳолатдалигини назорат қилиш;
- г) ёнғин чиққан ҳолларда ўт ўчириш командасини чақириш ва одамларни хавfli жойдан кўчириш ҳамда объектдаги мавжуд ўт ўчириш воситалари билан ёнғинни ўчиришга оид шошилиш чоралар кўриш;
- д) зарур бўлган ҳолларда кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси аъзоларининг ўт ўчирувчи машиналарда, мотопомпаларда ва ўт ўчиришнинг бошқа кўчма ва турғун воситаларининг жанговар гуруҳларидаги ишларда қатнашиш, шунингдек, ўта зарур ҳолларда, цехлар ва бошқа объектларда навбатчиликда туриш;
- е) объектнинг ёнғин-техника комиссияси ва ёнғинларни аниқлаш, олдини олиш ҳамда ўт ўчиришнинг янги усуллари жорий этувчи давлат ёнғин назоратининг маҳаллий органлари билан ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш.

## IV. Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг вазифалари

- а) объектдаги ёнғинга қарши тартиб-қоидаларга қандай риоя этилаётганини назорат қилишни амалга ошириш;
- б) объектдаги мавжуд барча дастлабки ўт ўчириш воситаларининг ишга тайёрлигини мунтазам равишда текшириб бориш ва улардан бошқа мақсадларда фойдаланишга йўл қўймасликка;
- в) ишчилар ва хизматчилар ўртасида ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боришга;
- г) кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси шахсий таркиби билан машғулотлар ўтказишга;
- д) кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси бўлинмалари бошлиқлари ишига раҳбарлик қилишга ва цех жанговар гуруҳларининг ишга тайёрлигини текширишга;
- е) объектда ўт ўчириш қисмлари етиб келгунга қадар ёнғинни ўчиришга раҳбарлик қилишга;
- ж) объект раҳбариятини ёнғинга қарши тартиб-қоидалар бузилгани тўғрисида хабардор қилишга;
- з) ёнғин назорати давлат инспекторлари кўрсатмасига кўра давлат ёнғин назорати ёзма топшириқларининг бажарилишини назорат қилишга;
- и) авария ҳолатлари рўй берганда кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси аъзоларининг навбатчилигини ташкил этиш ва портлаш ёки ёнғин чиқиш хавфи бартараф этилгунга қадар шахсан раҳбарлик қилишга мажбурдир.



## V. Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг ҳуқуқлари

19. Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

- а) объект раҳбаридан ўзига юкланган вазифаларни бажармаган шахсларни кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси аъзолигидан озод этиш тўғрисида илтимос қилиш;
- б) ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлиги тўғрисида баённома тузиш ва уни чора кўриш учун давлат ёнғин назорати органларига албатта бериш;
- в) объект (цех)да ёнғинга қарши тартиб-қоидаларни яхшилаш юзасидан оғзаки ёки ёзма шаклда тавсиялар бериш;
- г) портлаш ёки ёнғин чиқишига сабаб бўлувчи ёнғин хавфи бўлган ишларни ва бошқа ишларни, улар объект маъмурияти ёки давлат ёнғин назоратининг маҳаллий органлари томонидан кўриб чиқилгунга қадар, ўтказишни тақиқлаш.

**Саноат корхоналари  
ва бошқа объектлардаги  
ёнғин-техника комиссиялари  
тўғрисида  
НИЗОМ**

Вазирлар Маҳкамасининг  
1995 йил 29 июндаги  
243-сон қарори билан тасдиқланган  
(қарорга 3 - илова)

# 1. Умумий қоидалар

1. Саноат корхоналари, муассасалар ва ташкилотларнинг муҳандислик-техника ходимларини, хизматчиларини ёнғинга қарши профилактика тадбирларини ўтказишда қатнашишга жалб қилиш, объектларда, мулкчилик шаклларида қатъи назар, ёнғинга қарши ҳимояни яхшилаш мақсадида ёнғин-техника комиссиялари ташкил этилади.
2. Ёнғин-техника комиссиялари маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиқиб, шунингдек, давлат ёнғин назорати органлари таклифига кўра саноат корхоналари, янги қурилаётган йирик объектларда, илмий-тадқиқот институтлари, ўқув юртлари, даволаш, соғломлаштириш, маданий-томоша муассасаларида, меҳмонхоналар, телерадио узатиш марказларида, йирик алоқа тармоқларида, аэропортлар ва темир йўл вокзалларида, жамоа хўжаликларида, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ва бошқа объектларда ташкил этилади.

Ёнғин-техника комиссиялари таркибига, одатда, бош муҳандис (раис), энергетик, технолог, механик, хавфсизлик техникаси муҳандиси, ёнғиндан сақлаш (дружинаси) бошлиғи, муҳандис-техник ходимлар ва корхона раҳбари хоҳишига кўра бошқа шахслар киритилади.

- Комиссия таркибига касаба уюшмаси ташкилоти вакили ҳам киритилади.
3. Ёнғин-техника комиссиялари давлат ёнғин назорати маҳаллий органлари билан доимо алоқада бўлишлари керак.
  4. Ёнғин-техника комиссиялари ўз амалий ишларида Ўз.Р ҳудудида амалда бўлган норматив ҳужжатларга ва мазкур Низомга амал қиладилар.
  5. Ёнғин-техника комиссиялари корхоналар, муассасалар, ташкилотларда шу объект раҳбари буйруғи билан ташкил этилади.

## 2. Ёнфин-техника комиссияларининг асосий вазибалари:

- а) ишлаб чиқариш-технология жараёнлари, агрегатлар, қурилмалар, лабораториялар, устахоналар, омборлар, базалар ва шу кабилар ишидаги ёнфин, портлаш ёки аварияга олиб келиши мумкин бўлган бузилишларни аниқлаш ва бу бузилишларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- б) корхоналарнинг ёнфиндан сақлаш хизматига ёнфин-профилактика ишларини ташкил этиш ва ўтказишда, ишлаб чиқариш, омборхона, маъмурий ва бошқа бино ҳамда иншоотларда қаттиқ ёнфинга қарши тартибни ўрнатишда кўмаклашиш;
- в) ёнфин хавфини камайтириш ва объектнинг ёнфинга қарши ҳимоясини яхшилашга оид рационализаторлик ва ихтирочилик ишини ташкил этиш;
- г) ишчилар, хизматчилар ва муҳандис-техник ходимлар ўртасида ёнфинга қарши қоидаларга ҳамда ёнфинга қарши ўрнатилган тартибга риоя қилиш масалалари бўйича оммавий тушунтириш ишларини олиб бориш.

## 7. Ёнғин-техника комиссиялари қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун:

- а) корхонанинг барча ишлаб чиқариш, омборхона, маъмурий ва бошқа хизмат биноларини ишлаб чиқариш-технология жараёнлари, аппаратлар, агрегатлар, электр хўжалиги, иситиш, вентиляция тизимлари ва бошқа қурилмалардаги ёнғин чиқиши хавфи бўлган нуқсонларни аниқлаш мақсадида йилига камида 2—4 марта (корхонанинг ёнғин-портлаш хавфига кўра) муфассал кўриқдан ўтказишлари;
- б) аниқланган камчиликларни бартараф этиш йўллари ва усулларини белгилаш, ёнғинга қарши зарур тадбирларнинг бажарилиши муддатларини белгилаш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишлари;
- в) ишчилар, хизматчилар, муҳандис-техник ходимларга ёнғинга қарши мавзуларда кўрсатмалар бериш, суҳбатлар ўтказиш ва маърузалар уюштиришлари;
- г) раҳбарлар ҳузурида ва техникавий кенгашларда корхоналарнинг ёнғинга қарши ҳолатлари тўғрисидаги масалаларни муҳокамага қўйишлари;

- д) корхонанинг цехлари, омборхоналари, лабораториялари ва бошқа объектлари учун ёнғин хавфсизлиги бўйича **йўриқномалар, қоидалар ишлаб чиқишда** фаол қатнашишлари;
- е) корхоналарда ёнғиндан сақлаш мутахассислари, илмий-техник ходимлар, касаба уюшмалари ташкилотлари, меҳнаткашлар фаоллари иштирокида ҳам бутун корхона, ҳам унинг айрим участкалари, цехлари, омборхоналарида ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича **ёнғин-техника конференциялари, семинарлар ва кенгашлар** ўтказишлари;
- ж) корхоналар цехлари, омборхоналари, турар жойларининг ёнғинга қарши ҳолати ва ёнғиндан сақлаш ҳамда кўнгилли ўт ўчириш дружиналарининг жанговар тайёргарлиги **кўрик-танловларини ташкил этиш ва ўтказишлари, давлат ёнғин назорати органлари тавсия этган ёнғинга қарши тадбирларнинг бажарилишига эришишлари** керак.
8. Зарур бўлган ҳолларда корхона раҳбари ёнғин-техника комиссиясига ёнғин хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган бошқа тадбирларни ўтказишни ҳам топшириши мумкин.

### 3. Ёнфин-техника комиссиялари ишини ташкил этиш тартиби

9. Ёнфин-техника комиссиялари ўз ишини **иш вақтида ташкил этади** ва уни корхонанинг барча иш сменаларида олиб боради. Фавқулодда ҳолатлар (ёнфин, ҳалокат, авария, авария ҳолатлари ва шу кабилар)да ёнфин-техника комиссияси аъзолари объект раҳбарининг буйруғи билан куннинг исталган вақтида масалаларни ҳал этишга жалб қилинадилар.

10. Йирик саноат корхоналарида, **умумобъект ёнфин-техника комиссияларидан ташқари, цех ёнфин-техника комиссиялари** ташкил этилиши мумкин.

Бу ҳолатда умумобъект ёнфин-техника комиссияси цех комиссиялари ишини назорат қилади ва уларга бошчилик қилади, бутун корхонанинг ёнфинга қарши аҳволини яхшилаш масалаларини ҳал этади ва ёнфин чиқиш хавфи кучли бўлган участкалар ҳамда ишлаб чиқариш-технология жараёни қурилмаларида ёнфиннинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади.



11. Умумобъект ёнфин-техника комиссияси, қоидага кўра, ўз ишини қуйидаги ихтисослашган секциялар бўйича ташкил этади:

- а) ишлаб чиқариш-технология жараёнида ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарида ёнфин чиқиш хавфини камайтириш секцияси;
- б) рационализаторлик ва ихтирочилик иши секцияси;
- в) электр тармоқлари ва электр асбоб-ускуналаридан хавфсиз фойдаланиш секцияси;
- г) ёнфинга қарши автоматика ва алоқа секцияси;
- д) ёнфинга қарши сув таъминоти секцияси;
- е) янги қурилиш ва реконструкция қилишдаги қурилиш нормалари ҳамда қоидаларида ёнфинга қарши талабларга риоя қилиш секцияси;
- ж) вентиляция ва тутун чиқариш тизимларидан фойдаланишда ёнфинга қарши чора-тадбирларни ишлаб чиқиш секцияси;
- з) турар жой секторида ёнфинга қарши чора-тадбирлар секцияси;
- и) ёнфинга қарши тарғибот ва ташвиқот секцияси.

12. Ёнфин-техника комиссияси давлат ёнфин назорати кўрсатмаларида назарда тутилган **чора-тадбирларни бекор қилиш ва ўзгартириш** ҳуқуқига эга эмас,
  - Давлат ёнфин назорати **чора-тадбирларини ўзгартириш ёки бекор қилиш зарур бўлган тақдирда** комиссия ўз таклифларини корхона директорига тақдим этади. Директор бу масалани давлат ёнфин назорати органлари билан келишиб олади.
13. Ёнфин-техника комиссияси томонидан белгиланган ёнфинга қарши чора-тадбирлар **далолатнома билан расмийлаштирилади** ва у кенгайтирилган мажлисда кўриб чиқилгандан сўнг корхона раҳбари томонидан тасдиқланади ва улар белгиланган муддатларда бажарилиши керак.
14. Комиссия томонидан таклиф этилган ёнфинга қарши чора-тадбирларнинг бажарилишини **кундалик назорат қилиш бевосита корхона ёнфиндан сақлаш хизмати (кўнгилли ўт ўчирувчилар дружиналари) бошлиғига** ёки унинг ўрнида ишловчига юкланади.
15. Давлат ёнфин назорати маҳаллий органлари **ёнфин-техника комиссиялари ишини вақт-вақти билан назорат қилишни амалга оширадilar** ва уларга услубий ҳамда амалий ёрдам берадилар.
16. Объектни ёнфинга қарши намунали ҳолатга келтирганликлари учун ёнфин-техника комиссиялари аъзолари давлат ёнфин назорати ҳудудий ёки маҳаллий органининг тақдимномасига биноан объект раҳбари томонидан **рағбатлантирилиши** мумкин.

# Назорат саволлари

- 1.Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружиналари тўғрисидаги низом қачон тасдиқланган?
- 2.Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружиналари қаерларда ташкил этилади.
- 3.Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинасининг вазифалари нималардан иборат?
- 4.Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг вазифалари нималардан иборат?
- 5.Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг ҳуқуқлари нималардан иборат?
- 6.Кўнгилли ўт ўчирувчилар дружинаси бўлинмаси бошлиғининг мажбуриятлари нималардан иборат?
- 7.Саноат корхоналари ва бошқа объектлардаги ёнғин-техника комиссиялари тўғрисидаги низом қачон тасдиқланган?
- 8.Ёнғин-техника комиссиялари нима мақсадда ташкил этилади?
- 9.Ёнғин-техника комиссияларининг асосий вазифалари нималардан иборат?
- 10.Ёнғин-техника комиссиялари ишини ташкил этиш тартиби қанақа?
- 11.Ёнғин хавфсизлиги бўйича қанақа меъёрий – техник ҳужжатларни биласиз?